



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Избоскан туман МТБ

*Н.Қобилова* Н.Қобилова

## БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Избоскан туман-2022 йил

1. Танлов хужжатлари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар ва ишлаб чиқарувчи махсулот сифати

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Избоскан туман ДМТТларга Махсус чикинди ташлаш кутиси (метал листдан тайёрланган 4 гилдираклик 2 таси тормозный) сотиб олишга танлов хужжатларини тайёрлаш
- 1.2. Танловнинг юкори қиймати 310 420 000 (Уч юз ун миллион турт юз йигирма минг) сум. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва куриб чикилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.  
Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Махсулотни етказиб бериш муддати: ҳолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзолаган кундан бошлаб белгиланган график бўйича.
- 1.5. Махсулотни етказиб бериш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАР

- 2.1. Избоскан туман МТБ (бундан кегин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танлов ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Избоскан туман ҳокимлиги “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага, эга барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар қатнашиши мумкин

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабларга қуйидаги малакавий талаблар қўйиладики:

танлов предмети ишлар “Хизматлар” ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг муракаблик даражасига қараб, “лицензия” ва “гувоҳнома” 684-қонун 13-моддага риоя этиш шарт

- Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати усқуналар
- Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат даражаларини ёки меҳнат уз сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга берилган қаноғат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлари бўйича буюрмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиқга биноан лицензиялаштириш зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишлик лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат берилади:

3.4. Қуйидаги талабларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажралиши, қўшилиши) , тугатиши ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок ҳолдин ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий хусусий бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар маълумотлар “буюртмачи” ва “иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин

4.2. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

техник қисм, (буюртмачи) томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доираси хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир танлифларни яхлид ҳолда тикилган, номерланган ваколати шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳирлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиш талаб қилади:

техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади)

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

фақат битта таклиф бериш мумкин; такдим этилган ҳужжатларни хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳақонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун танлукли ҳолда элон қилинган муддатдан яна 5 календарь кунга узайтириш мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтириш фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлдилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатлар хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШКА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлов таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида 10 кунга ўзгартирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот. ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритиладую

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларини қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонни белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмасига ҳамда сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмасига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбормҳиши

шарт танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланди ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот борталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборилишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган саналар эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартноҳма танлов ҳужжатлари ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.